РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.10/30.12.2019.TIB.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТИББИЙ ХОДИМЛАР КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

МАДУМАРОВА АЛМАЗА АНВАРОВНА

ЎН ИККИ БАРМОҚЛИ ИЧАК ЯРА КАСАЛЛИГИ ЭРАДИКАЦИОН ТЕРАПИЯСИ НАТИЖАСИДА ВУЖУДГА КЕЛГАН ЙУҒОН ИЧАК ДИСБИОЗИНИ ФИЗИОТЕРАПИЯ УСУЛЛАРИ ЁРДАМИДА ОЛДИНИ ОЛИШ

14.00.12 – Тиббий реабилитация

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ -2025

УЎК: 616.342-002.4:616.345-008.87:615.83-084

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мадумарова Алмаза Анваровна
Ўн икки бармокли ичак яраси
касаллиги эрадикацияси натижасида
вужудга келган йўғон ичак дисбиознинг
физиотерапия усуллари билан олдини олиш
…….. 5

Мадумарова Алмаза Анваровна
Профилактика толстокишечного дисбиоза,
как следствие эрадикационной терапии
при язвенной болезни двенадцатиперстной
кишки методами физиотерапии
..... 25

Madumarova Almaza Anvarovna
Prevention of colonic dysbiosis as a consequence .
of eradication therapy for duodenal ulcer .
using physiotherapy methods
..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works
...……. 55

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.10/30.12.2019.TIB.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТИББИЙ ХОДИМЛАР КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

МАДУМАРОВА АЛМАЗА АНВАРОВНА

ЎН ИККИ БАРМОҚЛИ ИЧАК ЯРАСИ КАСАЛЛИГИ ЭРАДИКАЦИЯСИ НАТИЖАСИДА ВУЖУДГА КЕЛГАН ЙУҒОН ИЧАК ДИСБИОЗИНИНГ ФИЗИОТЕРАПИЯ УСУЛЛАРИ БИЛАН ОЛДИНИ ОЛИШ

14.00.12 – Тиббий реабилитация

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ -2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Tib1178 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.sportmed.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Хамрабаева Феруза Ибрагимовна** тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Алиахунова Мавжуда Юсуповна** тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Салохиддинов Зухириддин Салохиддинович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Самарканд тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Республика илмий амалий спорт тиббиёти марказида PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашининг 2025 йил «27» март соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ботир Зокиров кўчаси 6-уй. Тел/факс: (+99871) 214-52-45, e-mail:sportmed.uz@gmail.com).

Диссертация билан Республика илмий амалий спорт тиббиёти маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ботир Зокиров кўчаси 6-уй. Тел/факс: (+99855) 501-30-84, e-mail: info@olympic.uz)

Диссертация автореферати 2025 йил «7» март да тарқатилди.
(2024 йил «7» март даги 14 рақамли реестр баённомаси).

И.Р. Мавлянов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.М. Рахимова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш котиби, DSc

А.А. Хаджиметов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги бир марталик Илмий семинар раиси, биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва заруриятн. Сўнгги минг йилликда инсон ва унинг микробиотаси орасидаги биологик дисбаланс билан боғлиқ патологияларнинг учраш частотаси ошгани қайд этилди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «…Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси сурункали қайталанувчи касаллик бўлиб, полициклик кечиш тенденциясига эга…»[1]. Ўн икки бармоқли ичак ярасининг тарқалиши Европа мамлакатлари ва АҚШ аҳолисининг 6-10 фоизини ташкил этади ва меҳнатга лаёқатли ёшдаги одамларга таъсир қилиб, вақтинчалик, баъзан эса доимий ногиронликга сабаб бўлади. МДҲ мамлакатларида ошқозон яраси 1000 аҳоли орасида 3 дан 18 кишида учрайди. Маълумки, ичак дисбиозининг этиопатогенези кўп омилларга боғлиқ, бироқ дунёда Helicobacter pylori сабабли келиб чиқадиган кислота билан боғлиқ касалликлар, жумладан, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касалликлари ҳозирга қадар ўрганилмоқда. Бундай ҳолатлар антибиотиклар қўлланилишини талаб этувчи эрадикация терапияси орқали даволанади. Эрадикацион терапия оқибатида келиб чиқадиган ичак дисбиози организмда кўплаб патологик жараёнларни келтириб чиқаради, бу эса ичакдаги зарур моддаларнинг сўрилиши ва уларнинг синтез қилинишига тўсқинлик қилади, иммунитетни пасайтиради, шу билан бирга шартли патоген микроорганизмлар миқдори ва интоксикация даражаси ортиб, ушбу ҳолатнинг барча симптомлари билан намоён бўлади[2]. Ичак дисбиозини физиотерапевтик даволаш айрим муаллифлар томонидан анча вақт олдин тасвирланган бўлиб, таъкидлаш керакки уларнинг тадқиқотлари даврида техник тараққиёт шу даражада ривожланмаган эди. Ҳозирги вақтда эса, ичак дисбиози ҳолатида физиотерапевтик даволашнинг макроорганизмга таъсири масаласи долзарб ва муҳимдир, негаки бу усулларнинг МИТнинг мотор ва ферментатив функцияларига бўлган таъсирига оид маълумотлар мавжуд.

Чет эл олимларининг маълумотларига кўра, бутун дунё аҳолиси орасида нормал биоценозининг турли хил ўзгаришлари қайд этилади. Одам организмида микроорганизмларнинг мавжудлиги тўғрисидаги илк маълумотлар А. Левенгук (1916 й) томондан кашф этилган. Айрим микроорганизмлар турларининг нафақат агрессив, балки ҳимоявий роли ҳақида тадқиқотлар ўтказилган (А. Ниссле, И.И. Мечников, Л.Г. Перетц, Н.Ф. Гамалей ва бошқалар). Микробиота ва организм-хўжайин ўртасидаги молекуляр ва биокимёвий механизмларини ўрганиш асосида олиб борилган ишлар ҳам мавжуд (И.В. Домарадский, В.Н. Бабин, А.В. Дубинин ва бошқалар). Roberfroid олиб борган охирги тадқиқотларда, фақат табиий йўл билан озиқланадиган болаларнинг ичак микрофлорасида бифидобактериялар устун бўлишини ва бу ҳолат ошқозон-ичак тракти инфекцион касалликлари ривожланиш хавфини камайтирадиган омил эканлигини аниқ тасдиқлади.

---

[1] https://www.cmd-online.ru/patsientam/poleznyye-statii/yazvennaya-bolezn-zheludka/

[2] Воробьев А.А., Абрамов Н.А., Бондаренко В.М., Шендеров Б.А. Дисбактериозы - актуальная проблема медицины. // Вестник РАМН. - 2017. - №3. - с. 4-7

Республикамизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини тубдан ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг тахминан 90%да дисбиоз учрайди ва 75-95% ошқозон-ичак тракт касалликлари беморлардаги дисбиоз билан боғлиқ. Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги (ОЎБИЯК), юқори даражада ногиронликка ва ҳаёт учун хавфли асоратларга олиб келиши мумкинлиги сабабли, ҳазм тизими касалликлари орасида асосий ўрин эгаллайди ва замонавий гастроэнтерологиянинг муҳим муаммоларидан ҳисобланади. Шу муносабат билан қуйидаги муҳим вазифалар белгилаб олинган: «…тиббий ёрдам самарадорлиги, сифати ва қулайлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш, жумладан, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, диагностика ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, патронаж ва диспансеризациянинг самарали моделларини татбиқ этиш орқали…»[3] аниқланган.

Шу сабабли, ОЎБИЯК бўлган беморларни эрадикацион терапиядан кейин келиб чиқадиган ичак дисбиозини комплекс даволашни такомиллаштириш замонавий тиббиётнинг муҳим ва долзарб йўналиши бўлиб қолмоқда.

Ушбу илмий тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 30-августдаги ПҚ 3925-сонли «Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018-йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сонли фармони «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги 2020-йил 12-ноябрдаги ПФ 6110-сонли «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида »ги, 2022-йил 28-январдаги ПФ 60-сонли «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар маълум даражада қуйидаги белгиланган вазифаларни ҳал қилишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Охирги ўн йилликларда Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистоннинг кўплаб ҳудудларида ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги (ОЎБИЯК) ўсиш тенденцияси кузатилмоқда (Аскаров Т.А., 2001). Ўзбекистонда яра касаллиги ҳолатлари йилига 1000 аҳолига нисбатан 2,55-3,00 даражада сақланиб келмоқда ва беморларнинг 60-80% да касаллик рецидивлари кузатилмоқда, бу эса амалга оширилаётган даволаш усулларининг самарадорлиги етарли эмаслигини кўрсатади (Жўраев Э.Ю., 2001). Абдуллаев Р.Б. (2000) Жанубий Приарал минтақасида ОЎБИЯК

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.12.2018 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПФ-5590-сон Фармони // https://lex.uz/ru/docs/4096197

ни ўрганиш давомида касалланганларнинг 84,6% бу 15-46 ёшдаги меҳнатга лаёқатли инсонлар такшкил қилишини аниқлади.

Таъкидлаш жоизки, беморларнинг 99%и ўн икки бармоқли ичак яраси (ЎБИЯК) билан азият чекишса, ошқозон яраси (ОЯК) фақат 0,6% беморларда қайд этилган ва ЎБИЯК кўпроқ эркакларда учраса, ОЯК эса жинсга боғлиқ эмаслиги аниқланган (Еремина А.Б., 2016).

Гуторова Л.Д. (2005) ОЎБИЯКни даволашда антибиотиклардан фойдаланиш беморларнинг кўпчилигида, микрофлоранинг нормал нисбатини бузилиши билан асосланган диспепсия ва ичак дисбактериозини келтириб чиқариши, уларни қўллаш бошлаганидан кейин, деярли дархол юзага келиши хакидаги ғояни илгари сурган. Далидович К.К. ва унинг ҳаммуаллифлари (2018) ўз ишларида ўн икки бармоқли ичак ярасида липидларнинг пероксидли оксидлаш ва антиоксидант таъминот ўртасидаги боғлиқликни ўрганишган. Шундай қилиб, мамлактамизда ва чет эл муаллифлари томонидан ОЎБИЯКга бағишланган бир қатор изланишлар олиб борилиб эрадикация натижасида келиб чиқадиган ичак дисбиозларига оид маълумотлар берилган, аммо уларни бартараф этиш еки олдини олиш усуллари, хусусан физиотерапевтик таъсир этиш ўрганилмаган.

Ушбу холат юзасидан , эрадикацион терапиядан сўнг, физиотерапевтик усуллар қўлланилиши орқали ичак дисбиозини олдини олиш ва уни бартараф этиш схемаларини оптималлаштириш ва индивидуаллаштириш зарурати яққол намоён бўлади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ТХКМРМнинг № 006.01.03.002 илмий-тадқиқот режаси доирасида «Ўн икки бармоқли ичак яра касаллигида йўғон ичак дисбиозлари билан боғлиқ ҳолда даволашнинг янги ёндашуви» мавзусида (2018-2021 йиллар) бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги эрадикацион терапиясидан сўнг ичак дисбиозини комплекс даволашда физиотерапевтик даволашдан фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлиги баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги бўлган беморларда сантиметр диапазонли микротўлқин терапия (СДМ) дан фойдаланиш самарадорлигини клиник , лаборатор ва иммунологик кўрсаткичлар бўйича ўрганиш;

ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги мавжуд беморларда транскраниал электростимуляция (ТКЭС) дан фойдаланиш самарадорлигини клиник, лаборатор ва иммунологик кўрсаткичлар бўйича баҳолаш;

сантиметр диапазонли микротўлқинли терапия (СДМ) нинг ўн икки бармоқли ичак яраси бўлган беморларнинг микробиологик кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш;

транскраниал электростимуляция (ТКЭС) нинг ўн икки бармоқли ичак яраси бўлган беморларнинг микробиологик кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш;

Тадқиқотнинг объекти ООО «VITAMED MEDICAL» клиникасининг физиотерапия бўлимида даволанаётган, ҳеликобактериоз билан боғлиқ ўн икки бармоқли ичак яраси бўлган 100 беморда эрадикация терапияси ўтказилган.

Тадқиқотнинг предмети Клиник-биохимик текширув натижалари асос бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш мақсадида клиник, микробиологик, биохимик, иммунологик ва статистик усуллари қўлланилган (Нажаснинг бактериологик таҳлили, ултратовуш текшируви, ЭФГДС, НР учун нажасни ИФА таҳлили).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўн икки бармоқли ичак яраси касаллиги эрадикация терапияси натижасида ичак дисбиози келиб чиқиш ҳавфи мавжудлиги, унинг касаллик кечишини ёмонлашувига олиб келиши, рецидив ҳавфини ошириши туфайли ушбу хасталикда вужудга келадиган ичак дисбиозини бартараф этиш, унинг асоратларнини олдини олишга қаратилган ёндашувларни ишлаб чиқиш ва қўллаш зарурияти мавжудлигига асосланган холда физиотерапевтик усуллари ишлаб чиқилган ва уларнинг самарадорлиги бахоланган;

сантиметр диапазонли микротўлқинли терапия оқсил синтезини ошириш, жигар функционал фаолиятини яхшилаш, ичак ҳазм ферментларига рағбарлантирувчи таъсирини исботлаш туфайли, ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги эрадикацияси асоратларини олдини олиш ва даволашга ижобий таъсир кўрсатиши аниқланган;

транскраниал электр стимуллаш усулини ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги эрадикация терапиясидан кейин қўллаш, меъда ичак тракти микроэкологиясини тиклаши туфайли, йугон ичак дисбиозини бартараф этиши исботланган;

сантиметр диапазонли микротўлқинли терапия ва транскраниал электр стимуллаш усулларини эрадикация терапияси асоратларини олдини олиш ва тиббий тиклаш жараёнида қўллаш, уларнинг иммун тизимни рағбатлантирувчи таъсири туфайли, ичак микробиоценозини ва функционал ҳолатини тикланиши, ҳазм қилиш жараёнларини меъерлашуви ва касалликни қайталанишини олдини олиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Сантиметр диапазонли микротўлқинли терапия ва транскраниал электростимуляция қўллаган ҳолда ичак дисбиози бўлган беморларни самарали физиотерапевтик даволаш усуллари ишлаб чиқилди, бу дисбиознинг клиник намоён бўлишларини камайтириш ва терапия самарадорлигини ошириш мақсадида амалга оширилган.

ЎБИЯК бўлган беморларда эрадикация терапиясидан кейин патоген флора ўсишини назорат қилиш, облигат флора ўсишини рағбатлантириш ва ичак микробиоценозини нормаллаштириш учун ТКЭС ва медикаментоз терапия қўллаш усули таклиф этилган.

МИТ ферментатив фаолиятини яхшилаш мақсадида ЎБИЯК бўлган беморларда эрадикация терапиясидан кейин СДМ терапияси ва медикаментоз терапия қўлланилган.

H. pylori эрадикациясидан кейин ўн икки бармоқли ичак яраси бўлган беморларда иммун тизимини рағбатлантириш мақсадида СДМ ва ТКЭСни қўллаш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий-тадқиқот ишида замонавий усуллар ва ёндашувлардан фойдаланган холда, назарий маълумотлар билан олинган натижаларнинг мувофиқлиги, ўтказилаётган текширувларнинг методологик тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги

асосида , ОЎБИЯК беморларидаги йўғон ичак дисбиозини олдини олиш ва бартараф этишда клиник, микробиологик, иммунологик, биохимик ва статистик усулларга асосланган янги ендашувлар қўлланилган. Тадқиқот натижалари халқаро ва маҳаллий маълумотлар билан таққосланиб, қилинган хулосалар ва олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўн икки бармоқли ичак яраси бўлган беморларни комплекс терапиясига ТКЭСни қўллашнинг самарадорлиги ва аҳамиятини ҳамда муҳим патогенетик механизмларни очиб беришдан иборат бўлиб, бу МИТ дисбиозининг клиник симптомларини камайтириш, ичак биоценозини ва ҳазм қилишни нормаллаштириш, организмнинг иммунологик реактивлигини ошириш, шунингдек, даволаш натижаларини динамикада объектив баҳолаш билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўн икки бармоқли ичак яраси бўлган беморларда ушбу касалликни даволаш ва унинг профилактикасини таъминлаш учун тақдим этилган усулларни қўллаш имконияти мавжуд бўлади. Ишлаб чиқилган ва такомиллаштирилган усуллар касалликнинг натижасини ва иқтисодий самарадорликни белгилайдиган клиник кечишини яхшилашга ердам бериши билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўн икки бармоқли ичак яраси касаллиги эрадикация терапияси натижасида вужудга келадиган асоратларни физиотерапия усуллари билан олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

эрадикация терапияси қўлланилиши натижасида келиб чиқадиган ичак дисбиози бўлган беморларни ўрганиш буйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Физиотерапия усулларининг гастроэнтерологияда(ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллигида) қўлланилиши номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 23 ноябрдаги 8н-р/464-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома физотерапевтик услуллар ердамида гастроэнтерологик касалликларни олдини олиш ва даволаш самарасини ошириш имконини берган;

ўн икки бармоқли ичак яраси касаллиги эрадикация терапияси натижасида келиб чиқадиган ичак дисбиозини олдини олиш ва даволаш бўйича олинган илмий натижалар ЎзССВ хузуридаги Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиет маркази (6 сентябрь 2021 йилдаги шартнома) ва “Чинобод санаторияси” АЖ(9 сентябрь 2021 йилдаги шартнома) асосида амалиетга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ССВ нинг 2021-йил 12-октябрдаги № 8н-з/356 маълумотномаси асосида;

Биринчи илмий янгилик, ўн икки бармоқли ичак яраси касаллиги эрадикация терапияси натижасида ичак дисбиози келиб чиқиш ҳавфи мавжудлиги, унинг касаллик кечишини ёмонлашувига олиб келиши, рецидив ҳавфини ошириши туфайли ушбу хасталикда вужудга келадиган ичак дисбиозини бартараф этиш, унинг асоратларнини олдини олишга қаратилган ёндашувларни ишлаб чиқиш ва қўллаш зарурияти мавжудлигига асосланган холда физиотерапевтик усуллари ишлаб чиқилган ва уларнинг самарадорлиги бахоланган; Илмий янгиликнинг аҳамияти шундаки, ушбу усуллардан

фойдаланишда ичак дисбиозининг клиник кўринишларини камайши, даволашнинг самарадорлигини ошиши, касалликнинг қайталаниши ва асоратларнинг олдини олишга эришилади. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши. Олинган илмий натижалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий терапия ва тиббий реабилитация марказининг гастроэнтерология бўлими ҳамда АЖ «Чинобод санаторияси» нинг гастроэнтерология ва физиотерапия бўлимида клиник амалиётга жорий этилган (МЗ РУз № 8н-з/356, 12-октябрь 2021-йил). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги. Ушбу усуллар фойдаланиши қулай, инвазив бўлмаган ва самарали бўлган холда ахолига хизмат қилади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: Физиотерапевтик муолажаларни хар бири ўртача 20 000 дан 40 000 сўмгача бўлган қийматни ташкил этиб, 10 кунлик даволаниш курси бемордан даволаш 200 000 дан 400 000 сўмга яқин харажатни талаб қилинади. Медикаментоз даволаниш эса ўртача 3 000 000 сўм бўлиб, ушбу холатда иқтисодий самарадорлик 2 800 000 дан 2 600 000 сўмгача бўлган миқдорга тенг. Хулоса: ишлаб чиқилган усуллар иқтисодий, профилактик тиббиет ва реабилитация учун манфаатлидир, чунки ўн икки бармоқли ичак яраси эрадикациясидан сўнг келиб чиқадиган асоратлар олдини олишга хизмат қилади.

Иккинчи илмий янгилик, сантиметр диапазонли микротўлқинли терапия оқсил синтезини ошириш, жигар функционал фаолиятини яхшилаш, ичак ҳазм ферментларига рағбарлантирувчи таъсирини исботлаш туфайли, ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги эрадикацияси асоратларини олдини олиш ва даволашга ижобий таъсир кўрсатиши аниқланган;Илмий янгиликнинг аҳамияти шундаки, СДМ терапиясини ўн икки бармоқли ичак яраси (ЎБИЯК) ва ичак дисбиози бўлган беморларда комплекс давони қўллаш натижаларига кўра, эрадикацион терапиядан кейин ферментатив фаолият ва метаболик жараёнларнинг коррекция самарадорлиги ошган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши. Олинган илмий натижалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий терапия ва тиббий реабилитация марказининг гастроэнтерология бўлими ҳамда АЖ «Чинобод санаторияси» нинг гастроэнтерология ва физиотерапия бўлимида клиник амалиётга жорий этилган (МЗ РУз № 8н-з/356, 12-октябрь 2021-йил). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги. Олинган натижаларни амалиётга жорий этиш орқали ўн икки бармоқли ичак яраси (ЎБИЯК) ва йўғон ичак дисбиози бўлган беморларда фермент синтези бузилишини олдини олиш ва даволаш, шунингдек, ҳазм қилиш жараёнларини яхшилаш имкони пайдо бўлган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: СДМ терапиясини ўтказиш натижасида даволаш харажатларини 2 800 000 сўмгача камайтириш мумкин. Чунки СДМ терапиясининг 1 процедураси 20 000 сўмни ташкил этиб, 10 кунлик курс 200 000 сўмга тенг бўлади, аммо препаратлар билан даволаш курси ўртача 3 000 000 сўмни талаб қилган. Хулоса: СДМ терапияси харажатлари ва касалликни даволаш муддатларини камайтиришга, метаболик жараёнларни яхшилаш ҳисобига беморлар ҳолатини сезиларли даражада яхшилашга ёрдам берган.

Учинчи илмий янгилик транскраниал электр стимуллаш усулини ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги эрадикация терапиясидан кейин қўллаш, меъда

ичак тракти микроэкологиясини тиклаши туфайли, йугон ичак дисбиозини бартараф этиши исботланган;Илмий янгиликнинг аҳамияти шундаки, ТКЭС қўлланилганда олинган натижалар асосида ичак микробиоценози сезиларли даражада яхшиланди, бу эса организмнинг иммунологик реактивлигини ошишига олиб келган. Шунингдек, математик таҳлил асосида ТКЭС бифидо ва лактобактериялар сонини яхшилаш бўйича СДМга нисбатан юқори таъсирга эга эканлиги аниқланган. Илмий янгилик амалиётга жорий этиш. Олинган илмий натижалар АЖ «Чинобод санаторияси» нинг гастроэнтерология ва физиотерапия бўлимларида клиник амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги шундаки, тадқиқот натижалари ўн икки бармоқли ичак яраси бўлган беморларда эрадикация терапиясидан кейин йўғон ичак дисбиози ҳолатини олдини олиш ва даволаш имконини берган. ТКЭС ёрдамида ушбу муаммоларнинг ечими таъминланган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги шундаки, йўғон ичак дисбиозини медикаментоз даволашнинг бир ойлик курси ўртача 3 000 000 минг сўмни ташкил этади, агар 10 кунлик курс олинса, бу қиймат 1 000 000 сўмни ташкил этган. ТКЭС қўллашда эса беморнинг харажатлари 400 000 сўмни ташкил этган (даволаш курси учун 10 муолажа). Иқтисодий самарадорлик 2 600 000 минг сўм бўлиб, бу даволаш харажатларини сезиларли даражада камайтиради ва касалликни даволаш муддатларини уч баравар қисқартириш имконини берган. Хулоса: ТКЭС қўлланилганда ичак микробиоценози ҳолати сезиларли даражада яхшиланади, бу эса молиявий жиҳатдан фойдали бўлиб, даволаш муддатларини қисқартирган.

Туртинчи илмий янгилик сантиметр диапазонли микротўлқинли терапия ва транскраниал электр стимуллаш усулларини эрадикация терапияси асоратларини олдини олиш ва тиббий тиклаш жараёнида қўллаш, уларнинг иммун тизимни рағбатлантирувчи таъсири туфайли, ичак микробиоценозини ва функционал ҳолатини тикланиши, ҳазм қилиш жараёнларини меъерлашуви ва касалликни қайталанишини олдини олиши аниқланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти шундаки, олинган натижаларга асосан ҳар икки усул организмнинг иммун тизимини рағбатлантириши ва ичак дисбиози симптомларини бирдек самарали бартараф қилиши аниқланган. СДМ терапияси ҳужайравий иммунитетни яхшироқ стимуляция қилса, ТКЭС антиаллергик таъсирга эга экани аниқланган. Илмий янгилик амалиётга жорий этиш. Олинган илмий натижалар Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий терапия маркази ва АЖ «Чинобод санаторияси» да клиник амалиётга жорий этилган. Ижтимоий самарадорлик шундаки, тадқиқот натижалари дисбиознинг клиник кечишини яхшилашга ва эрадикацион терапиядан кейин иммун тизимидаги жиддий бузилишларнинг олдини олишга ёрдам берган. Иқтисодий самарадорлик. СДМ ва ТКЭСдан фойдаланиш даволашда дорилардан фойдаланмасдан иммун жавобини яхшилаш имконини беради, бу эса даволаш харажатларини қисқа муддатларда сезиларли даражада камайтирган. Дисбиозни анъанавий медикаментоз даволаш (ўртача) 2 000 000 сўм бўлса, таклиф этилган усуллар 600 000 сўмга (10 кунлик курс учун) тушади (1 муолажа ТКЭС 40 000 сўм, СДМ терапия 20 000 сўм). Иқтисодий самарадорлик 1 400 000 минг сўмни ташкил этган. Хулоса. Ҳар икки усулни қўллаш касалликнинг клиник кечишини яхшилайди, йўғон ичак дисбиози бўлган беморларда иммун ҳолатини сезиларли даражада оширади ва иқтисодий жиҳатдан ҳам фойда келтирган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда, жумладан 1 та халқаро ва 3 та республика илмий - амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган бўлиб, улардан 4 та мақола шу жумладан 3 таси республика журналларида ва 1 таси хорижий журналда чоп этилган. Ушбу мақолалар Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйҳатидан иборат. Диссертация ҳажми 104 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертатциянинг **кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти, мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотларнинг республикада илм ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ифодаланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти яққол ёритилган. Тадқиқотдан олинган натижаларни соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ қилиш бўйича маълумотлар келтирилган, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтириб ўтилган.

Диссертациянинг **«Ичак дисбиози ҳақидаги замонавий қарашлар (адабиётлар шархи)»** деб номланган биринчи бобида ҳазм қилиш тракти микробиотининг барча органлар ва тизимлар фаолиятидаги аҳамияти ҳақида сўз юритилган. Ичак дисбиози (ИД) шаклланишининг сабаблари батафсил кўриб чиқилган, шунингдек, нормал микробиот айрим вакилларининг турли патологик жараёнларнинг ривожланишидаги иштироки масаласи муҳокама қилинган. Ўн икки бармоқли ичак яраси (ЎБИЯК) бўлган беморларда эрадикацион терапиянинг дисбиозлар ривожланишидаги ўрнининг назарий жиҳатлари таҳлил қилинган, шунингдек, касалликнинг клиник манзараси ва унинг давосида замонавий этиопатогенетик ёндашувлар кўриб чиқилган. Кўриб чиқилаётган муаммо бўйича адабиётлар асосида батафсил ўрганишни талаб қиладиган бир қатор масалалар аниқланган, ишнинг долзарблиги ва танланган мавзудан кейинги тадқиқотлар зарурлиги асосланган. Ўн икки бармоқли ичак ва ошқозон яраси бўлган беморларда эрадикациядан кейинги дисбиоз учун юқори самарали комплекс терапия усулини излаш ва жорий этиш зарурати ҳақида хулоса қилинган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Тадқиқот материаллари ва усуллари»** клиник материал, лаборатор ва инструментал тадқиқот усулларининг умумий тавсифини ўз ичига олган маълумотлар келтирилган. Клиник тадқиқотлар 2019-2022 йилларда «Vitamed Medical» МЧЖнинг физиотерапия бўлимида ўтказилган. Тадқиқотда 15 дан 70 ёшгача бўлган 35 эркак ва 65 аёл иштирок этган бўлиб, уларда ўн икки бармоқли ичак яраси ва ичак дисбиози қайд этилган. Жами 100 нафар бемор (80 нафари асосий

гуруҳлардан, 20 нафари эса назорат гуруҳидан) тадқиқотга жалб қилинди ва улар физиотерапия даволаш усулларига кўра гуруҳларга ажратилган. Ташхис ХКТ-10 га мувофиқ, клиник (умумий ва қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари), микробиологик (копрология), иммунологик ва инструментал (ЭКГ, ЭГДС) тадқиқот усуллари асосида қўйилган. Ахлат массаларининг охирги порциясидан микробиологик лаборатория таҳлиллари умумий қабул қилинган усулларга кўра амалга оширилган. ИД даражалари Вилшанская Ф.Л. ва Штейнберг Г.Б. методикасига кўра аниқланган. Муолажа давомида беморлар иммунобиологик ҳолатининг динамикаси, ҳужайравий иммунитет параметрлари ва қон зардобидаги иммуноглобулинлар даражаси стандарт методикага асосан кузатилган. Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили параметрик ва нопараметрик анализ усуллари ёрдамида Microsoft Office Excel-2016 ва IBM SPSS Statistics v.26 (IBM Corporation) дастурлари орқали ўтказилган.

Тадқиқотга киритилган барча беморлар рандомизация усули орқали назорат гуруҳи ва клиник-функционал хусусиятлари бўйича таққосланадиган 2 та асосий гуруҳларга ажратилган. Беморлар қўлланилаётган даволаш усулига кўра гуруҳларга тақсимланган. Биринчи гуруҳдаги 47 беморга сантиметр диапазонли микротўлқинли терапия билан бирга медикаментоз даво қўлланилган (жигар ўт пуфаги ва киндик соҳасига). Иккинчи гуруҳдаги 33 беморга ҳам шунга ўхшаш терапия, ТКЭС билан бирга қўлланилган. Қолган 20 киши, яъни назорат гуруҳи, фақат анъанавий эрадикация квадротерапиясини олди. СДМ терапияни ўтказиш учун «BTL-6000 Microwave» аппарати ишлатилган. Яримсферасимон нурлантиргич жигар ўт пуфаги ва киндик соҳаси проекциясига контакт усулида жойлаштирилди ва бир муолажада икки майдонга таъсир кўрсатилган. Нурлантириш кучланиши 10-15 Вт. Бир майдонга таъсир қилиш вақти 5-7 минут, умумий процедура вақти 10-15 минутни ташкил этган. Даволаш курси 8-10 та муолажани ташкил этди ва ҳар куни ўтказилган. Иккинчи даволаш усули — транскраниал электростимуляция (ТЭС-терапия) — далилларга асосланган тиббиёт принциплари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, физиология ва тиббий амалиётнинг энг замонавий ютуқларига асосланган. У "Трансаир-01В" аппарати ёрдамида ўтказилди, бу аппарат 77,5 Гц частотада импулсли биполяр токни квазирезонанс режимда генерация қилади. Ҳар бир процедура вақти 35-45 минут бўлиб, улар ҳар куни 10-14 кун давомида ўтказилган.

Диссертациянинг учинчи **«Ўн икки бармоқли ичак яраси бўлган беморларда эрадикацион терапия таъсирида клиник ва иммунологик кўрсаткичларнинг ўзгариши»** номли бобида ўн икки бармоқли ичак яраси бўлган беморларда анъанавий эрадикация квадротерапиясидан кейинги асосий ўзгаришлар, клиник, иммунологик ва микробиологик кўрсаткичлар бўйича келтирилган:

1. ППИ (Пантопразол 40 мг) кунига 2 махал 14 кун;
2. Амоксициллин 1000 мг кунига 2 махал 14 кун;
3. Кларитромиццин 500 мг кунига 2 махал 14 кун;
4. Висмут трикалий дицитрат 120 мг кунига 4 махал.
5. Пробиотик (Saccharomyces boulardii) 250 мг 2 махал 14 кун.

Медикаментоз терапия курсидан кейин барча гуруҳлардаги беморларда қуйидаги ҳолатлар кузатилди: 15% ҳолатларда (15 нафар беморда) сиёдик

нормаллашган, 5% (5 нафар беморда) метеоризм белгилари йўқолган, 39% ҳолатларда (39 нафар беморда) қорин оғриғи тўлиқ йўқолган.

Шу билан бирга, 37 нафар беморда (37%) кунига 2-3 марта нормал шаклланмаган ахлат сақланиб турган, 36 нафар беморда (36%) метеоризм белгилари давом этган, 48 нафар беморда (48%) қорин оғриғи сақланиб қолган (1-жадвал, 1-расм).

1-жадвал

Йўғон ичак дисбиози мавжуд беморларда медикаментоз даволаш фонида клиник симптомлар динамикаси

Белги	Қабул қилинганда		Касалхонадан чиқарилганда		
	n	%	Симптомлар динамикаси	n	%
Шаклланмаган нажас	45	45	Сақланиши	37	37
			Камайиши	48	48
			Йўқолиши	15	15
Қоринда оғриқ	20	20	Сақланиши	48	48
			Камайиши	13	13
			Йўқолиши	39	39
Қорин дам бўлиши	35	35	Сақланиши	36	36
			Камайиши	59	59
			Йўқолиши	5	5

Ичакда ҳазм қилиш жараёнларини ўрганиш (100 нафар беморда ўтказилган копрограмма маълумотлари асосида) целлюлоза миқдорининг «0-1» даражаси 8% дан 10% га кўпайганини кўрсатди, шунингдек, мушак толалари, нейтрал ёғ, крахмал ва бошқа кўрсаткичларнинг ўсиши қайд этилган. Бу кўрсаткичлар умумий ҳолатда салбий томонга ўзгариб, ошқозон ости бези ва жигарнинг ташқи секреция фаолиятининг ёмонлашганлигини кўрсатган. Шунингдек, йодофил биота концентрациясининг ўсиши беморларда ўзгаришларнинг йўқлиги ёки ИД ҳолатининг ёмонлашганлигини тасдиқлаган. Медикаментоз терапиядан олдин 63% беморда йодофил биота катта миқдорда бўлган бўлса, терапиядан сўнг бу кўрсаткич 79% беморда қайд этилган.

Қоннинг клиник кўрсаткичларини таҳлил қилишда гемоглобин даражасининг 6,8 г/л га, эритроцитлар миқдорининг 0,07 х 10^{12}/л га ошиши ва эозинофиллар миқдорининг 0,37% га камайиши қайд этилган. Бошқа кўрсаткичлар бўйича ишончли динамика кузатилмаган. Медикаментоз терапия ўтказилганда ҳужайравий иммунитет динамикасини ўрганиш натижасида CD3, CD4, CD8 ва лимфоцитларнинг абсолют ва нисбий миқдори ошишига мойиллик кузатилган бўлса-да, ишончли ўзгаришлар қайд этилган. Шунингдек, IgA ва IgM миқдорининг ошиши ва умумий IgE миқдорининг камайишига мойиллик кузатилган бўлса ҳам гуморал иммунитет кўрсаткичларида ҳам ишончли ўзгаришлар аниқланмади кузатилмаган. Шундай қилиб, тадқиқотлар шуни кўрсатдики, анъанавий терапия

самарадорлигини таҳлил қилиш натижасида кузатилган беморларда умумий ҳолатнинг бироз яхшиланиши ва МИТ органларининг ферментатив фаолиятининг озгина яхшиланиши қайд этилган.

Диссертациянинг тўртинчи **«Ўн икки бармоқли ичак яраси бўлган беморларда сантиметр диапазонли микротўлқинли терапия ва транскраниал электростимуляция билан бирга қўлланилган комплекс терапия таъсирида клиник ва иммунологик кўрсаткичларнинг ўзгариши»** бобида тадқиқот учун 47 нафар йўғон ичак дисбиози (ИД) бўлган бемор танлаб олинган, уларга СДМ терапия билан икки майдонда қўлланилган комплекс консерватив терапия ўтказилган ва 33 нафар беморга шунга ўхшаш консерватив терапия ТЭС терапияси билан қўлланилган.

Госпитализация вақтида 64% ҳолатда (30 нафар бемор) касаллик белгилар кузатилмай 2-3 марта нормал шаклланмаган ахлатдан шикоят қилган, 21 нафар бемор (45%) қориндаги тарқалган оғриқдан шикоят қилди ва 21 нафар беморда (45%) метеоризм белгилари қайд этилган. Қоринни палпация қилишда 26 нафар беморда (57%) оғриқ ҳисси аниқланган.

Ичак микробиоценозининг ҳолати, лаборатория текшируви ва даволаш назоратининг ажралмас қисми сифатида, дисбиоз учун экма маълумотлари асосида баҳоланган. Беморларнинг 47 (100%) нафарида қуйидаги микробиот таркиби аниқланди: E. coli 1,11 x 10^8 ± 0,3 x 10^8/г, бифидобактериялар 2,31 x 10^7 ± 0,8 x 10^7/г, лактобактериялар 2,23 x 10^7 ± 0,9 x 10^7.

Шунингдек, креаторея, стеаторея, китариореянинг мавжудлиги, копрологик таҳлилда ёғ кислоталари ва крахмалнинг мавжудлиги қайд этилди, бу эса ичакка ошқозон ости бези ферментлари ва ўтнинг етарлича келиб тушмаслигини кўрсатган.


Периферик қон кўрсаткичларини ўрганишда 47 (100%) нафар беморда нормал кўрсаткичлар билан солиштирилганда қуйидагилар аниқланган: гемоглобин миқдори камайиши (117,42±0,78 г/л) ва СОЭ ошиши (СОЭ 17,40 ± 0,60 мм/ч).

Беморларнинг 40 (86%) нафарида қоннинг биохимик кўрсаткичларида нормал кўрсаткичлардан сезиларли ўзгаришлар аниқланмаган. 45 (98%) нафар беморда ўрганилган ҳужайравий иммунитет ҳолати Т-ҳужайравий иммунитетнинг камайишига мойилликни кўрсатган: CD3 48,55 ± 1,34%, 0,97 ± 0,03 x 10^9/л; CD4 35,66 ± 0,99%, 0,70 ± 0,02 x 10^9/л; CD8 13,27 ± 0,35%, 0,25 ± 0,01 x 10^9/л; ИРИ 2,65 ± 0,08; лейкоцитлар 5,25 ± 0,19 x 10^9/л; лимфоцитлар 33,51 ± 1,26%, 1,84 ± 0,06 x 10^9/л.

Гуморал иммунитет кўрсаткичлари 32 (46%) нафар беморда ўрганилганда, А ва М синфидаги иммуноглобулинлар камайиши, G синфидаги иммуноглобулин ва умумий IgE миқдорининг ошишига мойиллик аниқланган: IgA — 1,42 ± 0,05 г/л, IgG — 14,49 ± 0,38 г/л, IgM — 1,10 ± 0,03 г/л, умумий IgE — 216,33 ± 5,44 г/л.

Барча беморларга бир хил медикаментоз терапия ва жигар ўт пуфаги (1-майдон) ва киндик соҳаси (2-майдон) проекциясига СДМ терапия қўлланилган. Даволаш фонида берилган шикоятлар тез бартараф этилган. Барча беморларда ахлатнинг қисман ёки тўлиқ нормаллашуви, қорин

оғриқларининг камайиши ёки тўлиқ йўқолиши қайд этилди; фақат 4 нафар беморда (10%) метеоризм сақланиб қолган. Шунга қарамасдан, медикаментоз терапия ўтказилган гуруҳда симптомларнинг ўзгаришсиз сақланиб қолиш фоизи юқори бўлган (1-расм).



1-расм. СДМ ва назоарт гуруҳида даволаш натижаларининг солиштирма таҳлили

Қоннинг клиник кўрсаткичларини ўрганиш натижасида гемоглобин миқдорининг ўртача 7 г/л га ($p<0,001$) ва эритроцитлар миқдорининг 0,23 х 10^{12}/л га ($p<0,05$) ишончли ошиши қайд этилди; эозинофиллар миқдори 1% га ($p<0,05$) ва СОЭ 5,29 мм/соат га ($p<0,001$) камайганлиги кузатилган. Қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари динамикасида қондаги умумий оқсил миқдорининг ўртача 5,22 г/л га ($p<0,05$) ишончли тарзда ошиши; сиал кислота концентрациясининг 29,57 бирликка ($p<0,001$) камайиши; тимол синамасининг 0,64 бирликка ($p<0,001$) ва билирубин концентрациясининг 4,5 мкмол/л га ($p<0,01$) ҳамда АЛТ миқдорининг 0,09 ммол/(соат х л) га камайиши қайд этилган.

Иммунограмма маълумотларига кўра, CD3, CD4, CD8 ҳужайраларининг нисбий ва абсолют миқдорида ишончли ошиши қайд этилган (CD3 — 48,55% дан 61,55% гача, CD4 — 35,66% дан 46,27% гача), IgM миқдорида ошиш ва умумий IgE миқдорида 58,53 г/л га камайиш тенденцияси кузатилган.

Копрограмма маълумотларига кўра, 47 нафар беморда ўтказилган комплекс даволашдан сўнг йодофил биота миқдорида ишончли камайиш қайд этилди, бу эса йўғон ичак дисбиозининг (ИД) камайганлигини кўрсатган.

Аҳлатнинг микробиологик текширув натижаларини ўрганиш креаторея ва стеаторея миқдорининг камайиши, ёғ кислоталари игналари тўлиқ йўқолиши қайд этилди, бу эса жигар ва ошқозон ости бези функциясининг нормаллашганлигини тасдиқлаган. Шу билан бирга, ахлатдаги крахмал ва целлюлоза концентрациясининг камайиши ҳазм қилинган озуқа

массаларининг ичакдан эвакуацияси яхшиланганлигини, яъни энтероколит бартараф этилганлигини кўрсатган.

Ҳар икки гуруҳнинг копрограмма таҳлили медикаментоз терапияга қараганда комплекс даволашдаги ҳазм жараёнлари кўрсаткичларининг фарқни қайд этган. I асосий гуруҳда, СДМ терапияси қўлланган комплекс даволашдан сўнг, бифидо- ва лактобактериялар миқдорининг ўн баробар ошганлиги (назорат гуруҳига нисбатан) ва даволашдан олдинги кўрсаткичлар билан солиштирганда ишончли ошганлиги аниқланган. Bifidobacterium — 43,80±2,19* (3,87±0,18 га нисбатан), Lactobacillus — 37,30±1,86 * (3,03±0,15 га нисбатан) (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Даволашдан кейин I гуруҳ ва назорат гуруҳида ичак микробиотаси таркиби

Микроорганизмлар	НГ, (n-20)	СДМ, (n-47)
E. Coli x10^8	1,02±0,05	1,15±0,06
Bifidobacterium x10^7	3,87±0,18	43,80±2,19*
Lactobacillus x10^7	3,03±0,15	37,30±1,86*

Йодофил биота кўрсаткичларида ҳам даволашдан сўнг шунга ўхшаш ҳолат қайд этилган. Назорат гуруҳ билан солиштирилганда СДМ терапияси қўлланган гуруҳда йодофил биота миқдорининг ишончли камайиши қайд этилган. Ўсиш йўқлиги — 36% (назорат гуруҳда 5%), ўртача ўсиш — 63% (назорат гуруҳда 15%), катта ўсиш — 0% (назорат гуруҳда 80%). Бу ҳолат ичак микробиоценози ҳолатининг яхшиланганлигини кўрсатган (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

Даволашдан кейин I гуруҳ ва назорат гуруҳида йодофил биота солиштирма таҳлили

Белги	Назорат гуруҳи (n=20)			I гуруҳ (n=47)		
	abs	M±m,%	P	abs	M±m,%	P
Аниқланмади	1	5,00±4,87	Кси = 19,900; p=0,000	17	36,17±7,01	Кси = 3,596; p = 0,058
Ўртача	3	15,00±7,98		30	63,83±7,01	
Кўп	16	80,00±8,94		0	0,00±0,00	
P	Кси- Пирсон квадрати = 49,466; p = 0,000					

СДМ терапияси қўлланган гуруҳда 91,4% беморда ҳазм қилинадиган ва ҳазм қилинмайдиган целлюлоза, 95,7% беморда эса крахмал миқдорининг ишончли камайиши қайд этилган, бу ҳолат ичакдан озиқ моддалар эвакуациясининг секинлашганлигини, яъни энтероколит бартараф этилганлигини кўрсатган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, СДМ билан бирга комплекс терапия энтероколит жараёнларини бартараф қилиш билан бирга, ошқозон ости безининг ташқи секреция функциясини яхшилайди, бу эса аҳлатда мушак толалари миқдорининг ишончли камайиши билан тасдиқланади. 80% беморда креаторея миқдори "0" даражага етди, бу ҳолат назорат гуруҳда 5% беморда кузатилган.

Шунингдек, 95,74% беморда ёғ кислоталари игналари миқдорининг, 97,87% беморда ёғ миқдорининг ишончли камайиши кузатилган, нейтрал ёғ миқдорининг камайишига мойиллик ичакка ўт келиб тушишининг яхшиланганлигини кўрсатган (4-жадвал).

4-жадвал

Даводан кейин I гуруҳ ва назорат гуруҳидаги беморлар нажасидаги ёғ кислота миқдори

	Нейтрал ёғ						**Ёғ кислота игналари**					
	Назорат гуруҳи		**P**	**I гуруҳ**		**P**	**Назорат гуруҳи**		**P**	**I гуруҳ**		**P**
	abs	%	Кси-квадрат = 12,400; p = 0,002	abs	%	Кси-квадрат = 43,085; p = 0,000	abs	%	Кси-квадрат = 9,800; p = 0,002	abs	%	Кси-квадрат = 39,340; p = 0,000
0-0	4	20,00		46	97,87		0	0,00		45	95,74	
0-1	2	10,00		1	2,13		3	15,00		2	4,26	
1<	14	70,00		0	0,00		17	85,00		0	0,00	
P	Кси-квадрат Пирсона = 46,242; p=0,000						Кси-квадрат Пирсона = 61,269; p=0,000					

Ҳар икки гуруҳда ҳам гемоглобин ва эритроцитлар миқдорида ижобий динамика кузатилди, аммо гуруҳлар ўртасида сезиларли даражада миқдорий фарқ аниқланмаган. Hb: 123,17±1,66 г/л (асосий гуруҳ) ва 125,17±1,47 г/л (назорат гуруҳи); эритроцитлар: 4,35±0,13 х 10^{12}/л (асосий гуруҳ) ва 4,31±0,08 х 10^{12}/л (назорат гуруҳ).

Қоннинг биохимик кўрсаткичлари динамикасини солиштирма таҳлили натижасида умумий оқсил миқдорида ишончли ошиш кўпроқ (ўртача 5,26 г/л; p<0,01), сиал кислота концентрациясида камайиш (ўртача 26 бирлик; p<0,05), тимол синамасида (ўртача 1,04 бирлик; p<0,05), қанд миқдорида 0,42 ммол/л га (p<0,05), билирубин миқдорида 3,04 мкмол/л га (p<0,01), ва АЛТ миқдорида 0,14 ммол/(соат/л) га (p<0,01) камайиш қайд этилган.


CD3 ва CD4 нисбий миқдорларининг динамикасини таҳлил қилиш натижасида ишончли фарқ аниқланди (CD3: 52,46±2,53% асосий гуруҳда ва 63,04±1,34% назорат гуруҳда, p<0,001; CD4: 38,69±1,97% асосий гуруҳда ва 48,87±2,41% назорат гуруҳда, p<0,05), шунингдек, умумий IgE миқдорида катта камайишга мойиллик комплекс терапия олган гуруҳда кузатилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўтказилган тадқиқотлар жигар ўт пуфаги проекцияси (1-майдон) ва киндик соҳаси (2-майдон) бўйича қўлланилган СДМ билан комплекс даволаш фақат медикаментоз терапияга нисбатан беморларда тез намоён бўлган клиник яхшиланишга ёрдам берган. Асосий гуруҳда копрограмма кўрсаткичларида кўпроқ ўзгаришлар қайд этилди, бу эса

ўтказилган терапиянинг ижобий таъсир кўрсатишини тасдиқловчи асосий мезонлардан бири ҳисобланган.

Тадқиқот давомида анъанавий медикаментоз терапия ва ТКЭС қўлланган 33 нафар бемор киритилган бўлиб, улар иккинчи асосий гуруҳни ташкил қилди ва уларга комплекс даволаш ўтказилган. Беморларнинг клиник ҳолати ичак дискомфорти симптомлари билан намоён бўлган: 24 нафар бемор (75%) 2-3 марта нормал шаклланмаган нажасдан шикоят қилган, лекин патология белгилари кузатилмаган; 22 нафар беморда (69%) метеоризм белгилари кузатилган, 8 нафар бемор (25%) ичак бўйлаб тарқалган қорин оғриғидан шикоят қилган. Барча беморларнинг ҳолати қониқарли деб баҳоланган. Қорин палпациямида 4 нафар беморда (13%) қориннинг барча қисмларида оғриқ ҳисси, 6 нафар беморда (19%) қориннинг юқори қисмида, 2 нафар беморда (6%) қуйи қисмида ва 2 нафар беморда (6%) ўнг қисмида оғриқ ҳисси аниқланган.

Барча беморларга бир хил медикаментоз терапия ва ТКЭС қўлланилди. Даволаш фонида ичак дискомфорти симптомларининг камайиши кузатилган, симптомларнинг сақланиб қолиши қайд этилмади. 90% бемор ўртача шаклланмаган нажас ва қорин оғриғи бартараф этилганлиши, 82% беморда эса метеоризм йўқолиши қайд этилган (2-расмга қаранг).



2-расм. II гуруҳ ва назоарт гуруҳида давонинг клиник самарадорлиги

ТКЭС қўлланган ва комплекс терапия олган беморларда копрограмма динамикасини ўрганиш натижасида йодофил биота миқдорида сезиларли камайиш қайд этилди, бу даволашдан аввал унинг катта миқдордаги ўсишига эга бўлган беморларнинг 83% ида кузатилган. Бу ҳолат йўғон ичак биоценози ҳолатининг яхшиланишига мойилликни кўрсатган (5-жадвал).

5-жадвал

Йўғон ичак биоценозининг ҳолати, %

Белги	0		Ўртача		Мўл	
	Даводан олдин	Даводан кейин	Даводан олдин	Даводан кейин	Даводан олдин	Даводан кейин
	Беморлар %					
Йодофил биота	0	97	17	3	83	0

